

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 68 -сонли ШАРТНОМА

Фарғона шахри

2022 й. 21 " 01

Кейинги ўринларда **“Таъминотчи”** деб аталувчи **“Фарғона нефт базаси”** масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в.в.б. А.А.Абдуганиев бир томондан ва **“Истеъмолчи” Иктисодий тарракиёт ва камбағалликни кискартириш бош бошкармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Ю.А.Хусаинов томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тuzдилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **“Таъминотчи” Республика хом ашё** биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртача котировка нархларида **“Истеъмолчи”**га сотади.

1.2. **“Таъминотчи” Республика хом ашё** биржаси савдоларида ютиб олган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини қўйиб **“Истеъмолчи”**га сотади.

1.3. **“Таъминотчи”** **“Истеъмолчи”**нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефть маҳсулотларини етказиб бериш, **“Истеъмолчи”** эса етказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. **“Таъминотчи”**нинг (**“Фарғона нефт базаси”** МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) **“Истеъмолчи”**нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, **“Истеъмолчи”**нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қуйиб берганлиги учун **“Истеъмолчи”** **“Таъминотчи”**га 1 суткага 3580 сўм миқдорида хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (**“Фарғона нефт базаси”** МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда **“Истеъмолчи”**нинг нефть маҳсулотларини сақлаганлиги, **“Истеъмолчи”**нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини қуйиб берганлиги учун **“Истеъмолчи”**га ҳар ой якуни бўйича алоҳида ҳисоб-варака (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истеъмолчи” ҳисоб-варака (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида тўловни амалга оширади.

1.5. **“Таъминотчи”** **“Истеъмолчи”**нинг нефть маҳсулотларини сақлаш жараёнида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб **“Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ташиш, бериш ва ҳисобга олиш бўйича Йўриқнома”**га асосан ҳар ой якуни бўйича **“Истеъмолчининг”** нефть маҳсулотига

“табиий йўқотиш” кўллайди (табиий йўқолган нефть маҳсулотини “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг тахминий умуумий

сўми ташкил қилади.

суммаси 1458 909 ⁸⁰

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”нинг буюртмаси олинган куни сотилиши сўралган нефть маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефть маҳсулотлари “Таъминотчи”нинг оморидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи”нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи”га унинг сўровига асосан “Таъминотчи”нинг махсус автотранспортда белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ённин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган махсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефть маҳсулотлари оморига нефть маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига руҳсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортда олиб кетиш ҳолатлари бундан мустафо) “Истеъмолчи”нинг талабига биноан “Таъминотчи”нинг ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда таъминланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари микдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини микдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи”нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар “Таъминотчи”нинг оморидан ёки унга қарашли филиаллардарасмийлантирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи тасодирий

нобуд бўлиши, нефть маҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омони ёки АЁҚШ худудидан чиққан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлайди. Сотилаётган нефть маҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефть маҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торгонтлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрларига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи” етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулоғда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган хар кандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан хал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқали хал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина хакикий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нуسخада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“ТАЪМИНОТЧИ”

“Фаргона нефт базаси” МЧЖ

Манзили: Фаргона шаҳар
Тегирмон кўчаси 141-уй.
СҚБ Яшнобод филиали
х/р: 22604000800215485702
2321000300215485333
МФО: 00432
ИНН: 201104250

Раҳбар:  А. Абдуганиев
М.ў




“ИСТЕЪМОЛЧИ”

Иктисодий таррақиёт ва
камбағалликни қисқартириш бош
бошқармаси

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ
ТАРАҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ
Фаргона шаҳ. Фарғона кўчаси, 43-уй.
Ш/р: 20021860304017032140002
ИНН: 207250945 ОКОНХ:
Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Фаргона ш. Ҳазначилик бўлинимаси.
х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш. ХҚҚМ
МФО: 00014 СТИР: 20122919

х/р:
ИНН:
МФО:
СТИР:



Раҳбар:  Ю. А. Хусайнов

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжали юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:



Н.Ахунташев

2022 йил “” 2.01 № 02/68 -сонли шартномага _____ илова

“БҮЮРТМАЧИ”

Иктисодий тарракиёт ва камбагалликни кискартириш бош бошкармаси

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Ўлчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Микдори, тонна	Умумий сўммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30	0,14	1458909 ⁸⁰
	Автобензин АИ-91	тн	12 470 610,00		
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841,47		
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 251 570,0		
	Жами:			0,14	1458909 ⁸⁰

Изоҳ: Дизел ёқиғисининг нархи Ўзбекистон Республикаси тоғар хом ашё 05-01-20222 08-01-202 йил кунлардаги (ўтган хафтадаги) шакланган ўртача биржа котировка нархларида эзилди. Ушбу нарх 17.01.2022 йил кунигача амал қилади.

Автобензин маҳсулотига биржа электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси қўлланилди.

Умумий жами: _____

Мазкур спецификация икки нусхала тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”

“БҮЮРТМАЧИ”



А.А. Абдуганиев

Ю.А. Хусанов

Юридик бўлим бошлиғи:

Н.Ахунташев